

АЛИЕВ Жамшид Ровшанович,

*Дин ишлари бўйича қўмита,
Динишунослик экспертизаси
бошқармаси бош мутахассиси*

СУРИЯДАГИ РАДИКАЛЛАШУВ САБАБЛАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ЁНДАШУВЛАР

ПОДХОДЫ К ИССЛЕДОВАНИЮ ПРИЧИН РАДИКАЛИЗАЦИИ В СИРИИ

APPROACHES TO STUDYING THE CAUSES OF RADICALISATION IN SYRIA

Аннотация. Мақолада Суриядаги беқарор вазиятга сабаб бўлган омиллар, уларнинг тарихий илдишлари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда диний омилнинг ўрни, турли радикал ва экстремистик гуруҳларнинг ғояларининг салбий таъсирлари, бу борада ўтказилган тадқиқотлардаги ёндашувлар ҳамда уларнинг таҳлилларига оид мулоҳазалар келтирилган.

Аннотация. В статье представлены факторы, обусловившие нестабильную ситуацию в Сирии, их исторические корни, роль религиозного фактора в социально-экономических и политических процессах, негативное влияние идей различных радикальных и экстремистских группировок, подходы к проведенным исследованиям в этой области, а также соображения по их анализу.

Annotation. The article presents the factors that caused the unstable situation in Syria, their historical roots, the role of the religious factor in socio-economic and political processes, the negative influence of the ideas of various radical and extremist groups, approaches to the research conducted in this area, as well as considerations for their analysis.

Калит сўзлар. Суриядаги беқарор вазият, радикал ва экстремистик гуруҳлар, Суриядаги “Муслмон биродарлар” ташкилоти бўлими, Аҳмад ибн Таймия, Саййид Қутб, таффирий ва жиҳодий гуруҳлар.

Ключевые слова. Нестабильная ситуация в Сирии, радикальные и экстремистские группировки, филиал «Братьев-мусульман» в Сирии, Ахмад ибн Таймия, Сайид Кутб, группы таффиристов и джихадистов.

Keywords. The unstable situation in Syria, radical and extremist groups, the Muslim Brotherhood branch in Syria, Ahmad ibn Taymiyyah, Sayyid Qutb, takfiri and jihadist groups.

КИРИШ

Араб давлатлардаги, хусусан, 2011 йилда Сурия араб республикасида бошланган “араб баҳори” инқилоблари, унинг оқибатлари, ҳукуматнинг сиёсатидан норози бўлган тинч аҳолининг митинг ва намойишлари режим томонидан аёвсиз бостирилишига уринишлар натижасида минтақанинг ҳам сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамда диний манзараси ҳам тубдан ўзгариб кетди. Шундан сўнг Сурияда фуқаролик урушлари бошланиб кетди, халқаро майдонда янги акторлар пайдо бўлди, турли радикал гуруҳлар учун майдон очилди.

Бугунга қадар Сурия можароси турли ракурслардан тадқиқ қилинмоқда. Олимлар томонидан Сурия инқироzi бўйича сиёсатшунослик, жамиятшунослик, минтақашунослик, халқаро муносабатлар,

дипломатия, иқтисод, конфликтология, экстремизм ва терроризм йўналишларидаги тадқиқот қилиб келаётган олимларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда. Ҳар бир соҳа вакили Суриядаги воқеаларда ўз муаммоларини ва уларнинг ечимлари бўйича таклифларини бермоқда.

Таъкидлаш ўринлики, асосан Сурия инқирози ва можароси билан боғлиқ тадқиқотлар сиёсатшунослик йўналишда олиб борилди. Улардан рус тилида Ш.Абы, Г.Алнукари, В.М.Ахмедов, Б.В.Долгов, Н.А.Комлева, А.Малашенко, А.В.Манойло, Е.С.Меньшикова, В.Надеин-Раевский, Е.С.Тарасова, О.Л.Закотнюк ва А.В.Юрк каби олимларнинг ишлари диққатга сазовор. Шунингдек, инглиз тилидаги тадқиқотлар ҳам аҳамиятга молик ҳисобланади. Айниқса, улардан М.И.Андреевич, В.Грант-Бук, Д.С.Каракус, Б.Лами, Т.С.Омарово, О.М.Росенжа, А.М.Василиев, А.Евсеев каби олимларнинг ишларида Суриядани беқарор вазиятнинг бошланиши, улардаги сиёсий, геосиёсий омиллар жиҳатлари ёритилган.

Шунингдек, айрим тадқиқотларда Суриядаги инқирозда иштирокчи бўлган муҳолифат кучлари ва улар билан исломий гуруҳларнинг ўрни, тафировий ва салафий-жиходий ташкилотларнинг роли кўрсатиб ўтилган. Жумладан, бу йўналишда тадқиқ олиб борган олимлардан Е.Алжек, С.Баккур, М.Конвей, Д.Брет, А.Лунд, С.Тронкота, А. Ал-Бенни, Е.Галия, Й.Швайтцер, Г.Жоффе, Д.С.Каракус, Ф.Э.Каримов, С.Маҳер, Т.Пиеррет, Е.Г.Робинсон, Р.Шваб, С.Зухур, А.С.Евсеев кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Суриянинг Идлиб минтақаси ва ундаги “Ҳайъат таҳрир Шом” (собиқ “Жабҳатун нусра”, “Жабҳату Фатҳиш Шом”) ташкилоти билан боғлиқ тадқиқотлардаги ёндашувлар турли хиллиги билан ажралиб туради. Хусусан, О.А.Ажжоуб, О.З.Ақўз, А.Ж.Ат-Тамимий, И.К.Барнард, С.Карензи, Ж.Древон,

М.Фурлан, О.А.А-Бенза, В.Грант-Бук, С.Хеллер, А.Кесер, М.Лакоми, Ф.Г.Марей, С.С.Худа, С.Маркелов, М.Маркусен, К.Модиг, И.Нам-Сик, Т.Осман, М.Привера, Н.Сабон, С.Сли, С.Спайер, А.Яшлавский, Й.А.Зелин, А.В.Крылов каби тадқиқотчиларнинг ишлари аҳамиятли ҳисобланади.

Шу билан бирга Идлиб минтақасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавқеи, секуляризм, демократия, инсон ҳуқуқлари, демография, экстремизм ва терроризм муаммолари, минтақадаги давлатларнинг Сурия можароси ва Идлибдаги ташкилотларга таъсири, уларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни, дипломатия билан боғлиқ мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Улар орасида Ҳ.Алоуи, У.Бибилова, К.Й.Куя, Ҳ.Хелғат-Дўст, Б.Олга, Г.Ўзжан, С.Ўзел, А.М.Василиев, А.М.Ахмад, Е.С.Васецова, Д.А.Вольвич, Н.М.Горбулова, И.И.Иванова, Д.К.Григорян, Е.Н.Кондратенко, Д.М.Бекленицев, Л.М.Исаев, А.В.Коротаев, А.Г.Мардасов, В.В.Кирлов, Н.Ю.Кудрин, И.А.Матвеев, Д.А.Федотов, А.А.Хасан, С.А.Сейидли, У.З.Шарипов ва Ш.Шехажех каби олимларнинг тадқиқотлари эътиборга молик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Суриядаги уруш 2011 йилнинг баҳорида фуқаролик норозиликлари билан бошланган ва кейин ташқаридан аралашув ва экстремистик провокациялар туфайли Сурия давлатчилигининг ўзига қарши урушга айланган кўп томонлама ва кўп даражали можародир. Урушга Яқин Шарқ минтақаси давлатлари ва етакчи жаҳон кучлари, халқаро ташкилотлар ва турли террористик гуруҳлар жалб қилинди [1:15].

Суриядаги нотинчликнинг бошланиши, беқарор вазиятнинг юзага келишига оид тадрижий воқеалар хронологиясини ўрганишда

ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади. Бунда бир вақтнинг ўзида Суриядаги сиёсий режимга қарши кучлар йиллар давомида пишиб етилгани ва айни вақтда ташки кучлар вазиятдан унумли фойдаланиш учун тайёргарлик қилиб тургандек туюлади. Вазиятнинг чигаллиги шундаки, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам этно-конфессионал муҳит борган сари мураккаблашиб, фақатгина Б.Асад ва унинг ҳукумати ва у олиб бораётган сиёсатни айбдор деб эълон қилишга қаратилган эди.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда бошланган Сурия можароси билан боғлиқ омилларини тадқиқ қилиш уларнинг тарихий илдизларини ўрганиш билан самарали бўлади. Чунки Суриядаги экстремистик унсурларнинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 40-йилларига бориб тақалади.

Замонавий Суриядаги исломнинг сиёсийлашуви билан боғлиқ жараёни бир неча босқичга ажратиб ўрганган тадқиқотлар мавжуд. Уларда биринчи босқич, Сурияга ўтган асрнинг 40-йилларида “Мусулмон биродарлар”¹ ташкилотининг фаолияти кузатилиши, иккинчи босқич, ўтган асрнинг 60-йилларида Саид Ҳавванинг исломий мутафаккир сифатида илгари сурган ғоялари, учинчи босқич ўтган асрнинг 80-йилларида “Исломий фронт”²нинг ташкил топиши ва Сурияни озод қилиш миллий иттифок низомининг нашр этилиши ва ниҳоят ўтган асрнинг 90-йилларида “Мусулмон биродарлар” ташкилоти раҳбарларининг БААС³ партияси билан яқинлашишга урунишларидан кейин

¹ “Мусулмон биродарлар” (“Ихван ал муслимун”) 1928 йилда Ҳасан ал Банно томонидан Мисрда ташкилот топган сиёсий партия шаклидаги ташкилот.

² XX асрнинг 70-80-йилларида БААС партиясига қарши чиққан “al-Tali’a al-Muqatila lil-Mujahidin” (“Му-жохидларнинг жангари авангарди”) ва ихвончи қарашдаги кўзғолончилардан иборат гуруҳ. Гуруҳ етакчиси Марвон Ҳадид (1934-1976) бўлган.

³ БААС – “Hizb al ba’th al arabi al ishtiraki” (“Баъс араб социал партияси”) панарабик қарашдаги сиёсий партия.

2011 йилдаги воқеаларга сабаб бўлгани [2:93-104] кўрсатилади.

Сўзимизнинг тасдиғи сифатида А.Лунднинг “Сурия ҳукуматининг мазҳаби ва унинг Эрон, Ироқ ва Ливандаги шиа кучлари билан иттифокда бўлгани сунний исёнчиларнинг нафратига сабаб бўлиб келган. 1960-йиллардан бошлаб Муҳибиддин ал-Хатиб⁴ (1886–1969), “Мусулмон биродарлар” вакили Саид Ҳавва⁵ (1935-1989) ва замонавий салафий мафкурачи Муҳаммад Сурур Зайналобидин⁶ (1938–2016) каби шахсларнинг аксилшиа тарғиботларнинг ривожланишига ҳисса қўшдилар” [3:11] деган фикрини келтирамыз.

Тадқиқотлар давомида А.А.Кузнецовнинг кўйидаги фикри эътиборни тортди. У “Мусулмон биродарлар” ташкилоти асосчиси Ҳасан ал Банно Мисрда ўқиб юрган сурияликлик ёшлар орасида ўз тарғиботларини бошлагани, ҳатто унга Муҳаммад ал-Ҳамид⁷ ва Мустафо Сибай⁸ каби шахслар шерик бўлгани ҳақида ёзади. 1937 йилда Суриянинг Ҳалаб шаҳрида ташкилотнинг илк бўлимларидан бири очилганини [4:95-109] қайд этади.

С.М.Иванов ҳам Суриядаги исёнларни Туркия ва араб давлатлари томонидан қўлланган радикал исломий гуруҳлар бошлаганини очикдан-очик қайд этади. Унинг фикрича: “Сурия инқироzi худди “араб баҳори”нинг бошқа фожевий воқеалар каби

⁴ Муҳибиддин Хатиб (1886-1969) суриялик салафий олим. Шиаларга қарши ашаддий қарашлари билан танилган.

⁵ Саид Ҳавва (1935-1989) “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг Суриядаги бўлими етакчиси ва мафкурачиси сифатидан танилган.

⁶ Муҳаммад Сурур ибн Наиф Зайналобидин (1938-2016) “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг Суриядаги бўлимининг собиқ аъзоси. Ихвоний ва салафийлик ғояларини бирлашмаси бўлган “Сурурийлик” ҳаракатининг асосчиси.

⁷ Муҳаммад ал-Ҳамид (1910-1969) суриялик нақшбандий тариқати вакили ва “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг бўлими асосчиси.

⁸ Мустафо Сибай (1915-1964) суриялик сиёсий фаол, Суриядаги “Мусулмон биродарлар” ташкилоти бўлимининг етакчиси.

аввалдан ташқи кучларнинг кенг қамровли аралашуви билан бошланди. 2011 йилнинг баҳорида бошланган аксилҳукумат митинг ва намойишларида “Мусулмон биродарлар” каби радикал исломий гуруҳлар бошчилик қилди. Уларнинг аксариятини Туркия ва кўплаб араб давлатлари қўллашди. Эрон ҳукумати эса амалдаги Б.Асад тарафида бўлди” [5:15-21].

Е.Устинов “Мусулмон биродарлар” ташкилоти вакиллари рақиб муҳитга жиддий таъсир қилганини айтиб ўтади. У ўз тадқиқотида “Мамлакатда яшовчи хорижлик мусулмонлар, уларнинг аксарияти ўта радикал бўлиб, улар учун Сурия араб республикаси экстремистик диний тарғибот учун қулай заминга айланди. Айни пайтда муҳожирликдан Сурияга ҳукумат рухсати билан қайтган “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг айрим вакиллари томонидан қўпуровчилик ишлари олиб борилди” [6:124-137] деб ёзади.

Бошқа олим Ж.Девон ўз тадқиқотларида “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг Мисрда ташкил топгандан сўнги ўн йилликларда бошқа араб давлатларига ҳам кириб борганини айтиб ўтади. У “Аксарият замонавий жиҳодий гуруҳлар мазкур ташкилотнинг сиёсий позициялари ва замонавий меросига қарши чиқсалар-да, лекин унинг тарихий аҳамиятини тан оладилар. “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг ғоявий етакчиси Саййид Қутбнинг мафкуравий концепциялари жиҳодий гуруҳлар томонидан қўлланилди. Қутбдан кейинги радикаллашган жангари авлод 1990-йиллардаги илк жиҳодчи-салафий деб таърифланган йўналишни шакллантирдилар” [5:26] деб қайд этади.

К.Жиль фикрича “1960-йилларнинг охиригача С.Қутбнинг издошлари яширин фаолият юритган ҳаракатнинг ўзида мунозаралар билан чекланди. Бироқ, 1967 йил июн ойида Исроил билан олти кунлик урушда араб қўшинларининг мағлубиятга учрагани араб миллатчилигига қаттиқ зарба берди. Мана шу маданий бўшлиққа Қутб тушунчалари

таъсирида ривожланган исломий фикр кириб келди” [8:377].

Бу фикрни олим К.А.Шермуҳаммедов ҳам қўйидагича тасдиқлайди. Унинг фикрича “Афсуски, ҳозирги кунда ҳам мусулмонлар ўртасига зиддият уруғини сепадиган, ислом йўлида сиёсий ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашга қаратилган Саййид Қутбнинг ғоялари XX асрнинг 70-80-йилларида кўплаб радикал оқимларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Шунинг учун аксарият тадқиқотчилар Саййид Қутбни замонавий экстремизмнинг ғоявий назариётчиси, деб ҳисоблайдилар” [9:55].

К.Жиль С.Қутбнинг қарашларига бошқа бир шахснинг таъсири бўлганини таъкидлайди. У ўз китобида “Бироқ, 1970-йилларнинг бошларида исломий тафаккур энди араб контексти билан чегараланиб қолмади. Ҳиндистон яриморали вакили Абу ал-Аъло ал-Мавдудий, бир қатор хорижлик тадқиқотчиларнинг фикрича, С.Қутб қарашларининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган” [8:378] деб қайд этган.

“Араб баҳори”га қадар Яқин Шарк минтақасида панарабизм, панисламизм ғояларининг ривожланиши натижасида “исломлаштириш” жараёни, воқеликка ислом призмаси орқали баҳо бериш кайфияти мавждудлигини К.А.Шермуҳаммедов ўз диссертациясида таъкидлаб кетган. Унга кўра “Бу вақтга келиб, кўпгина араб мамлакатларининг ички ва ташқи сиёсатида рўй берган ўзгаришлар натижасида мустамлакачилик асоратидан озод бўлиш жараёни бошланди. Араб дунёсида “Араб уйғониши” деб аталган умумараб маданияти юксалиши, миллий-озодлик ҳаракати даври бевосита ислом таъсири остида кечди. Исломнинг анъанавий қадриятларига юзланиш, “исломлаштириш”, “исломий бош-

карув”, “ислом давлати” каби дастурларни олға суриш бошланди” [9:27] деб қайд этилган.

Шу ўринда айтиш керакки, Суриядаги беқарор вазиятнинг бошланишига нафақат “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг Ҳасан ал-Банно ёки Саййид Қутб каби мафкурачилари балки, “салафийлик” да алоҳида урғу бериладиган Аҳмад ибн Таймия ва унинг фатволарининг ўрни бўлган.

К.А.Шермухаммедов ҳам “Мусулмон биродарлар” ташкилоти ғояларида “салафийлик” ёндашувларнинг сезиларли даражада бўлганини таъкидлайди. Унинг фикрича, “Ўрганилган тадқиқотларда Ҳасан ал-Баннонинг қарашлари шаклланишида бир қанча жиҳатлар сабаб бўлгани келтирилади. Манбаларда Ҳасан ал-Баннога “Мусулмон биродарлар” ҳаракати йўналишларини ишлаб чиқишда “салафийлик” оқимиға мансуб Ибн Таймия мактабининг давомчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ва асли суриялик Рашид Ризо (1865-1935) кучли таъсир ўтказгани ҳам баён қилинган” [9:29].

А.Лунд суриялик муҳолифатчининг фикрларидан қуйидагича иқтибос келтиради. Унда “Суриялик муҳолифат журналисти Малик ал-Абде айтганидек, “Салафий ривояти бугунги кунда Сурияда сунний бўлсангиз, мантиқий бўладиган ягона ривоятдир. Салафийларнинг ҳаммаси бир хил фикрда: Ибн Таймия, Ибн Таймия, Ибн Таймия: Ва у нима деди? Унинг айтишича, Нусайрийлар яҳудийлар ва насронийлардан кўра хавфлироқ ва уларга ишониш мумкин эмас. Сўнгги бир ярим йил ичида бу Суриядаги кўпчилик учун ҳақиқатга айланди. Салафийлар учун жиҳод уларнинг эътиқодларининг асосий қисмидир. Салафийлар учун сизни мусулмон қиладиган нарса сизнинг жиҳодга бориб жанг қилиш қобилятидир. Демак, нусайрийлик ва шиаликка қарши жиҳодга йўналтирилган бу мафкура радикаллашган ва кўчага чиқиб,

жанг қилмоқчи бўлган ёш сунний салафийлар учун жуда жозибали бўлиб қолади” [3:13] деб таъкидланган.

Юқоридаги иқтибосдан маълум бўладики, ҳақиқатдан Суриядаги инқилобларнинг бошланишида ислом омили, хоссатан, “салафийлик” йўналишдаги гуруҳларнинг ғоялари, Аҳмад ибн Таймиянинг фатволари тўртки бўлганини кўриш мумкин. Бу ғояларда такфир ва жиҳод тушунчаларини ушбу оқим нуктаи назаридан талқин қилингани яққол кўриниб туради.

Фикримизча, бугунги кунимизда Якин Шарқ минтақасида фаолият кўрсатаётган экстремистик ташкилотларнинг даъват услубларида ибн Таймиянинг икки қараши яққол кўзга ташланади. Биринчиси, ибн Таймиянинг ислом шариати билан бошқарилмайдиган тузумни тоғут сифатида баҳолаб, такфир қилиши, иккинчиси, ўз даврида у шиаликнинг нусайрий⁹ оқимиға қарши ёзган раддияларида уларнинг қарашлари куфрий эканини даъво қилгани замонавий экстремистларнинг ғояларида акс топган. Бу қарашлар билан Сурия режими ва унинг иттифокчилари сиёсий низом нуктаи назардан тоғут тизими ҳисобланса, Башар Асад ва унинг яқинлари нусайрий оқимиға мансуб деб кўрилади. Бундай такфир усули билан экстремистлар уларга қарши бўлган тарафларга жанг қилиш, жиҳод эълон қилиш, жони ва молини ҳалол санаш учун фатво вазифасини ўтамоқда [10:101].

Қайд этиш зарурки, Суриядаги беқарор вазиятнинг бошланишида сиёсий-ижтимоий омиллар асосий катализатор вазифасини бажарган. Диний қараш ва мафкуралар

⁹ Нусайрилар, алавийлар - шиаликдаги фиркалардан бирининг тарафдорлари. Шимолий Сурияда энг кескин шиалар даврасида пайдо бўлган. Фирканинг номини Муҳаммад ибн Нусайр ан-Нумайрий (тахм. 883 й. Басрада вафот этган) билан боғлайдилар. Нусайрийларнинг асосий ақидаси Али ибн Абу Толибни илоҳийлаштириш («алавийлар» номи шундан), унда Худонинг ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат.

кейинчалик жараённинг тезлашиши учун дастак бўлиб хизмат қилди. Бу ўринда “Сурияда “араб баҳори” норозиликларининг катта тўлкини доирасида бошланган намоишлар, намоишчилар президент Б.Асадни ҳокимиятдан четлатилишини талаб қилганидан кейин ҳукумат билан қуролли тўқнашувга айланган. Кейин қуролли можаро Яқин Шарқда ҳокимиятга интилаётган турли давлатлар ўртасидаги прокси урушга айланиб кетди” [11:165-173] деган фикр Л.А.Шумилова ва Я.Я.Гришинлар томонидан ўринли билдирилган.

Суриядаги инқирозда ҳукмрон қатламга қарши курашишда экстремистик жиҳат доим бўлиб келгани, бундай тушунча дин номидан қилинишга сабаб бўлаётганини В.М.Ахмедов ҳам айтиб ўтади. Унинг фикрича, “Жиход асосан чет эл таъсирига тушиб қолган ўзининг ҳукмрон элиталарига қарши, ундан сўнг кофирларга қарши қаратилган бўлса-да, араб-мусулмон дунёсида бу ғоянинг мотивацион кучи аввалгидек қолган. Буларнинг барчаси бугунги кунда уруш ғояси диннинг давоми сифатида, айниқса экстремистик шаклларда, умуман ўлмаганидан далолат беради” [6:124-137].

Айрим тадқиқотчилар томонидан Суриядаги вазиятда амалдаги ҳукуматнинг олиб борган сиёсатидан очикча норози бўлган аҳоли ҳамда улар дунёвий тамойиллар билан бошқарилгани, ислом шариати устувор бўлмаганиданидан кўнгли тўлмаган тоифалар ҳам борлиги кўрсатиб кетишган. Жумладан, Е.Устинов “Исломий муҳолифат Ҳ.Асадни, кейин эса Б.Асадни давлатнинг исломий эмас, дунёвий характерини қўллаб-қувватлашда, БААСнинг мамлакат сиёсий ҳаётида етакчи ролини амалга оширишда ва қўпчилик учун фавқулодда ҳолат режимини асоссиз равишда сақлаб қолишда айблайди” [6:124-137], деб қайд этади.

Суриядаги фуқаролар уруши, улардаги экстремистик ташкилот ва мафкурачиларнинг

ўрни, мазҳаблараро ихтилофлар ва сиёсий режимнинг камчиликлари умумий таҳлил қилинганда, аҳоли орасида ғоявий бўшлиқ жуда йириклашиб, радикализм авж олиб кетишини англаш мумкин. Бу борада А.А. Крылов шундай фикр билдиради, “Анъанавий етакчиларнинг ўзгариши ортидан элита алмашинадиган ҳамма жойда давлат ҳокимияти ва сиёсий тузилмаларида юзага келган бўшлиқ дарҳол радикал исломчилар томонидан тўлдирилди” [13:45-51].

Б.Долгов ўз тадқиқотлари давомида 2011 йилдаги Сурия инқирозлари сабабларини таҳлил қилиб, бир қатор тенденциялар мавжудлигини аниқлаган. Унга кўра, биринчидан, Ғарб давлатларининг Б.Асаддан талаб қилган сиёсий ислохотларни қисқа муддатда амалга ошириш истаги, иккинчидан, бир томондан, Сурияда ҳукуматга қарши қуролли гуруҳларнинг кучайиши, иккинчи томондан, аҳолининг аксарият қисми томонидан президент Б.Асадни қўллаб-қувватлашнинг кучайиши, ҳамда учинчидан, Сурия инқирозига ташқи иштирокчиларнинг аралашувининг кенгайиши ва ушбу можаронинг минтақавий ва ҳатто глобал миқёсга ўсиши [14:81-107] каби фикрларни илгари суради.

Олим А.Яшлавский ўз тадқиқотларида Суриядаги зиддиятларда диктатура ва демократия қарама-қаршилиги эмас, балки биринчи навбатда ислом фактори устунлик қилишини [2:93-104] таъкидлайди.

Шундай бўлса-да, юқоридаги фикрни тасдиқламаганлар ҳам мавжуд. Жумладан, А.А.Кузнецов даставвал Суриядаги инқилоблар асосан секуляр қарашдаги ва демократик ҳуқуқларни таъминлашни талаб қилувчи муҳолифат бўлганини эътироф этади. У “Можаронинг дастлабки босқичида (2012-йил ёзига) Сурия муҳолифати раҳбариятида дунёвий етакчилар, сиёсий партиялар ва гуруҳлар ҳукмронлик қилган. Бироқ, 2011 йилнинг кузида тинч норозилик

намоишнинг аста-секин қуролли қарама-қаршиликка айланиши бошланди” [4:95-109] деб фикр билдирган.

Бироқ у ҳам кейинги даврларда Суриядаги можарода исломий гуруҳларнинг ўрни кўрингани айтиб ўтган. У “2012-йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Суриядаги ҳарбий-сиёсий можарода исломий қуролли гуруҳларнинг роли тобора ортиб бормоқда” [4:95-109] деб таъкидлайди.

Суриядаги беқарор вазият нафақат экстремистик ва террорчи ташкилотларни фаоллаштирили, балки минтақадаги йирик хаосни ҳам келтириб чиқарди. А.Э.Яшлавский фикрича, “Сурия можаросида салафий-жиходий экстремистик гуруҳларнинг фаоллиги нафақат минтақадаги барқарорликка, балки глобал даражадаги хавфсизликка ҳам катта таҳдид солмоқда” [2:93-104].

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, аксарият бу мавзудаги тадқиқотларни ўрганиш давомида Суриядаги можароларнинг келиб чиқишида асосий омил сифатида бу аҳоли орасидаги ҳукмрон бўлган сунний эътиқоддаги тоифанинг ҳукуматдаги алавийлар томонидан босим ва адолатсизликка учрагани сабаб қилиб кўрсатилган. Бу ҳолатни тадқиқотчи Ф.Каримов ҳам таъкидлаб, муҳолифат орасида ислом омили, хоссатан “Мусулмон биродарлари” ташкилотининг ҳам ўрни бўлганини [15:67-74] қайд этган.

Шунингдек, бошқа тадқиқотларда “Сурия озодлик армияси” дастлабки қуролли қаршилик кўрсатган кучлардан экани кўрсатилган. Экстремистик қарашдаги жангарилар эса ўша пайтнинг ўзида кўзга ташланган йирик “Жабхатун нусра” ташкилоти сафига қўшилдилар. 2014 йил эса уруш сахнасида ИШИД - “Ироқ ва Шом ислом давлати” ташкилоти Суриянинг ҳудудларига кириб келиш билан ушбу можарога аралашди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳарбий

қудрат уларга АҚШ томонидан Ироқ армияси учун тақдим этилган қурол-аслаҳаларни осонлик билан қўлга киритганлиги сабаб бўлган [1:16].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Суриядаги “араб баҳори” сиёсий инқилобидан кейинги воқеалар даврида экстремистик ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар асосан сиёсатшунослар томонидан олиб борилгани кўзга ташланади. Аксарият тадқиқотчилар Суриядаги беқарор вазиятга ҳам ички ҳам ташқи омиллар мавжудлигини кўрсатиб кетишган. Шу билан бирга диний омилнинг ҳам роли юқори эканини қайд этишган.

Тадқиқотларда экстремизм ва терроризм муаммолари йирик ташкилотлар “ал-Қоида”, ИШИД ва “Жабхатун нусра” (ҳозирги “Ҳайъат таҳририш Шом”) ташкилотлар билан боғлиқ жиҳатлар нисбатан кўпроқ ёритилган.

“Мусулмон биродарлар” ташкилоти Суриядаги радикал кайфиятнинг шаклланишидаги илк сабаб сифатида, ҳамда тақфирчилик ва жиҳодчиликнинг илдизлари мазкур ташкилотга бориб тақалиши тадқиқотларда асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, баъзи тадқиқотларда “Салафийлик” (“Ваҳҳобийлик”) оқими сунний ва шиалик ўртасидаги мазҳаблараро низо ва адоватга сабаб бўлган гуруҳ сифатида қаралган.

Алоҳида шахсларнинг аҳамиятига оид тадқиқотларда Аҳмад ибн Таймия, Ҳасан ал-Банно, Саййид Қутб, Абу Аъло ал-Мавдудий каби мафкурачиларнинг қарашлари, фатволари ва концепциялари тақфирий, жиҳодий ҳаракатларнинг фаолиятига дастурил амал бўлгани алоҳида қайд этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Война США за «мир» в Сирии / [И. И. Абылгазиев и др.]. — М.: Институт внешнеполитических исследований и инициатив, 2021.
2. Яшлавский А. Э. Экстремистские группировки в сирийской гражданской войне: новые игроки и новые угрозы //Мировая экономика и международные отношения. — 2014. — №. 10.
3. Lund A. Syrian Jihadism. — Swedish Institute of International Affairs, 2012.
4. Кузнецов А. А. О роли исламистских группировок в гражданской войне в Сирии (2011-2014 гг.) //Постсоветский материк. — 2015. — №. 2 (6).
5. Иванов С. М. Роль и значение внешних сил в сирийском кризисе //Дипломатическая служба. — 2018. — №. 4.
6. Устинов Е. Сирия: этноконфессиональный аспект кризиса //Россия и мусульманский мир. — 2014. — №. 11 (269).
7. Drevon J. Institutionalizing violence: strategies of jihad in Egypt. — Oxford University Press, 2022.
8. Жиль К. Джихад: Экспансия и закат исламизма // — М.: Ладомир, 2004. — Т. 4.
9. Шермухаммедов К.А. XX-XXI аср бошларида Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти: тарих фанлари бўйича PhD ... дисс. — Тошкент, 2019.
10. Алиев Ж.Р. Замонавий тафирчилик ғояларининг илдизлари ва жиҳодий ҳаракатларнинг шаклланиши. “Ислом тафаккури” илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри. 2023.
11. Шумилова Л. А., Гришин Я. Я. Виды радикальных исламистских группировок—участников гражданской войны в Сирии и их характеристика //Казанский вестник молодых учёных. — 2020. — Т. 4. — №. 3.
12. Ахмедов В. М. Религиозный фактор вооруженного восстания в Сирии: социальные, идеологические и военные аспекты // Труды Института востоковедения РАН. — 2017. — №. 4.
13. Крылов А. В. Роль религиозного фактора в «арабской весне» //Вестник МГИМО Университета. — 2013. — №. 4 (31).
14. Долгов Б. Сирийский кризис и радикальный исламизм //Россия и мусульманский мир. — 2016. — №. 7 (289).
15. Karimov F. E. The Armed Islamic Opposition in the Syrian Civil War //American Journal of Science and Learning for Development. — 2023. — Т. 2. — №. 12.